

ЎЗБЕКИСТОНДА ИНТЕНСИВ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ОМИЛЛАРИНИНГ ЎЗАРО САЛМОФИНИ АНИҚЛАШ

Ҳамдамов Шоҳ-Жаҳон Раҳмат ўғли -
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
хузуридағи ИТМ докторанти

Аннотация. Ушбу илмий мақолада интенсив иқтисодий ўсиш омиллари гурухланган. Ҳар бир гуруҳ омиллари бўйича мамлакатдаги макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳисобланган. Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш учун омиллар гурухинг аҳамиятли ўзаро улуши эконометрик усуллар ёрдамида ҳисоблаб чиқилган. Тадқиқот натижасида келгусида Ўзбекистонда интенсив иқтисодий ўсишни ошириш учун қайси омилларни оширишга кўпроқ аҳамият бериш кераклиги аниқланган ва илмий асосланган.

Асосий тушунчалар: интенсив иқтисодий ўсиш, инновация, коррупциянинг даражаси, қонун устуворлиги, муқобил ва арzon энергия манбалари, давлат бошқаруви сифати, бозор иқтисодиёти учун қулай шароит, инфраструктура, ишчи кучи малакаси.

ОПРЕДЕЛЕНИЕ ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ ИНТЕНСИВНЫХ ФАКТОРОВ ЭКОНОМИЧЕСКОГО РОСТА В УЗБЕКИСТАНЕ

Ҳамдамов Шоҳ-Жаҳон Раҳмат ўғли -
Докторант НИЦ при Ташкентского государственного
экономического университета

Аннотация. В данной научной статье сгруппированы факторы интенсивного экономического роста. Макроэкономические показатели в стране рассчитывались по каждой группе факторов. Значительная доля группы факторов экономического роста в Узбекистане была рассчитана эконоометрическими методами. В исследовании выявлено и научно обосновано, каким факторам следует уделять больше внимания для ускорения интенсивного экономического роста в Узбекистане в будущем.

Ключевые слова: интенсивный экономический рост, инновации, уровень коррупции, верховенство закона, альтернативные и дешевые источники энергии, качество государственного управления, благоприятные условия для рыночной экономики, инфраструктура, квалификация рабочей силы.

DETERMINATION OF INTERACTION OF INTENSIVE ECONOMIC GROWTH FACTORS IN UZBEKISTAN

Khamdamov Shoh-Jakhon
PhD student of Research Center at
Tashkent State University of Economics

nnotation. This scientific article groupes the factors of intensive economic growth. Macroeconomic indicators in the country were calculated for each group of factors. The significant share of the group of factors for economic growth in Uzbekistan was calculated using econometric methods. The study identified and scientifically substantiated which factors should be given more attention in order to increase intensive economic growth in Uzbekistan in the future.

Keywords: intensive economic growth, innovation, level of corruption, rule of law, alternative and cheap energy sources, quality of public administration, favorable conditions for a market economy, infrastructure, labor force skills.

Кириш. Ўзбекистон Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” №841 сонли қарори [1] ижроси, шунингдек, Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «макроиқтисодий мутаносибликни сақлаш, қабул қилинган ўрта муддатли дастурлар асосида таркибий ва институционал ўзгаришларни чуқурлаштириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш»[2] муҳим вазифалардан бири сифатида белгилаб берилди. Мазкур вазифаларнинг самарали бажарилиши Ўзбекистонда барқарор

иқтисодий ўсиш сифатини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштиришни тақоизо этади.

Илмий-услубий тадқиқотларнинг кўрсатишича, иқтисодий ўсиш сифати ижтимоий барқарорлик билан бирга, экологик барқарорликни таъминловчи омиллар самарадорлигини ҳам ўз ичига олади ва улар барқарор ўсиш сифати ошишига мультиплектив таъсир қиласи. Ўсиш сифатининг кўп омилли эканлигини инобатга олиб, ушбу омилларнинг соҳа ва тармоқлар кесимида натижавий жиҳатларини комплекс тарзда тадқиқ этиш лозим.

Адабиётлар таҳлили. «Иқтисодий ўсиш сифати» тушунчаси дастлаб Жаҳон банки томонидан амалга оширилган тадқиқотларда қўлла-

нилган [3, 4]. Жаҳон амалиётида охирги ўн йилликка келиб иқтисодий ўсиш сифатини ижтимоий масалалар билан уйғунликда талқин этувчи инклузив ўсиш тушунчаси кўлланила бошланди. Жўмладан, хорижий олим М. Ампонсаҳ молиявий инвестициялар ошса инклузив ўсиш ҳам ошади деган тушанчани ўз таҳлил натижаларига кўра инкор этади [5].

Тадқиқот методологияси: Тадқиқотда "Origin Pro" дастури орқали панел, бета коефициент, Пеарсон корреляция усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқот материали. Биз тадқиқот амалга ошириш учун Жаҳон банки ва Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг иқтисодий ўсишни ифодаловчи макроиқтисодий маълумотларда фойдаландик. Жўмладан, интенсив иқтисодий ўсишга таъсир

этувчи Ўзбекистондаги инновация, коррупциянинг даражаси, қонун устуворлиги, муқобил ва арzon энергия манбалари, давлат бошқаруви сифати, бозор иқтисодиёти учун қулай шароит, инфраструктура, ишчи кучи малакаси, маданий ва бошқа омиллар даражасини ифодаловчи ҳозирги кўрсаткичлардан фойдаланилди. Тадқиқотга зарур, аммо ресурсларда мавжуд бўлмаган кўрсаткичлар муаллиф томонидан ёрдамчи кўрсаткичлар омилларини мустақил ҳисобланди.

Таҳлил. Интенсив ўсиш омилларини ўлчашнинг маълум халқаро усуллари ва макроиқтисодий курсаткичлари мавжуд [6, 7, 8]. Жаҳон банки ва Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида биз макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисобладик [9, 10]. (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал
Ўзбекистонда интенсив иқтисодий ўсиш омиллари таҳлили (2010-2020 йиллар учун ўртача)

	Интенсив ўсиш омиллари	Халқаро индекслар ва уларнинг ўлчов бирлиги	Ўзбекистоннинг ҳолати	Халқаро индекслар ўлчовини унификациялаш (мин 0-макс 100)	Корреляция кўрсаткичичи	Ўзаро улуши (for pie chart) % да	Стандарт Бета коефициент
1	Инновациялар	Тадқиқот ва ривожланиш харажатларининг (R&D) ЯИМдаги улуши %)	2,10	2	0,91	14,2	0,41
2	Саломатлик	Health (min 1, max0)	0,26	74	0,90	14	0,219
3	Инфраструктура	Infrastructure (min 0, max1)	0,27	27	0,95	14,8	0,431
4	Қонун устуворлиги	ROL (min 0, max5)	1,37	27			
5	Муқобил ва арzon энергия манбалари	Energy effeciency (Энергия истеъмоли бирлиги учун ЯИМ; АҚШ доллари)	3,57	31	0,72	11,3	0,404
6	Давлат бошқаруви сифати	GE (min 0, max5)	1,9	38	0,98	15,3	-0,488
7	Бозор иқтисодиёти учун қулай шароит	Effectiveness of anti-monopoly policy, 1-7 (best)	2,7	39	0,98	15,3	-1,333
8	маданий ва бошқа омиллар	Cultural and other (min 0, max100)	48	48	-0,97	-15,1	-0,3
9	Ишчи кучи малакаси	Human Development Index (min 0, max 1)	0,701	70	0,97	15,1	0,94
10	Коррупциянинг назорати	Control Corruption Rate (min 0- no corruption, max 100)	25	25	0,98	15,3	1.58
	Жами			3,81	5,71	100,00	1.863
	Ўрта геометрик кўрсаткич (мамлакатда интенсив ўсишнинг муаллифлик кўрсаткичичи)			29			

Манба: Жаҳон банки ва Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоблари.

Кўрсаткичларнинг ўлчов бирликлари ва натижасини солиштириш мақсадида бирхиллаштириш учун уларни салбий натижа (минимум) "0" ва юқори ижобий натижа (максимум) "100" оралиғида индексладик (1-жадвал).

Халқаро индексларни ошириш керак бўлган нисбати ҳисобланди. Ва ушбу кўрсаткич ёрдамида эконометрик усуллардан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон учун интенсив ўсиш омилларининг ўзаро салмоғи ҳисоблаб чиқилди.

Ўзбекистонда 2010-2020 йилларда интенсив ўсиш омилларининг ҳолатини умумлаштириб ҳисоблаб чиқдик (2-жадвал ва 1-расмга қаранг). Сўнг ушбу аналитик маълумотлар асосида статистик таҳлиллар амалга оширилди.

Ўзбекистонда интенсив иқтисодий ўсиш омилларининг 2010-2020 йил бўйича аналитик кўрсаткичлари (2-жадвал) асосида Ялпи унумдорлик кўрсаткичи боғлиқ ўзгарувчи сифатида белгилаб интенсив омилларининг 10 гурӯҳ кўрсаткичлари билан корреляция таҳлили амалга оширилди (3-жадвалга қаранг).

Корреляцион таҳлил натижасини аҳамиятилиги Стюдент, Дорбин Вотсон ва Sig. (2-tailed) усулларида текширилди (3-жадвал).

Корреляцион кўрсаткичларнинг аҳамияти текшируви натижасига кўра "Қонун устуворлиги" кўрсаткичининг аҳамиятилилар дарадаси 0.01 дан юқори бўлганлиги учун, корреляцион боғлиқлик аҳамиятсиз деб топилди.

Ўзбекистонда интенсив иқтисодий ўсиш омиллари кўрсаткичлари

Йил	Ялпи унумдорлик омиллари	Инновациялар	Саломатлик	Инфраструктура	Қонун устуворлиги	Муқобил ва арzon энергия манбалари	Давлат бошқаруви сифати	Бозор иқтисодиёти учун қулай шароит	маданий ва бошқа омиллар	Ишчи кучи малакаси	Коррупциянинг назорати	Муаллифлик индекси
2010	33,00	0,06	65	18	17	28	42	31	56	57	17	21,7
2011	34,00	0,8	68	19	17	27	43	30	56	58	17	22,5
2012	34,00	1,2	69	21	18	27	43	32	55	60	18	24,2
2013	35,00	1,6	69	22	18	26	43	32	55	59	19	25,0
2014	35,00	1,6	72	22	19	26	45	33	54	60	20	25,6
2015	36,00	1,8	70	23	19	31	45	34	53	61	20	26,5
2016	37,00	2,1	74	23	21	32	46	35	52	63	21	27,7
2017	37,00	2,1	75	23	22	32	46	35	53	65	21	28,0
2018	40,00	2,6	76	32	27	31	50	39	48	70	26	31,3
2019	39,00	2,30	74	27	27	31	49	38	48	70	25	30,1
2020	27,01	3	1	5	91	17	3	1	5	46	88	8,3

Манба: Жаҳон банки ва Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоблари.

Натижалар муҳокамаси. Таҳлил натижасида мамлакатда ЯУОлари ўсишида давлат бошқаруви сифати энг аҳамиятлилиги аниқланаб унинг улуши 12,25, Коррупция 12, Бозор иқтисодиёти учун қулай шароит 12, Ишчи кучи малакаси 11 ни ташкил қиоган бўлса маданий омиллар тескари -13 %ни ташкил қилди. Барча омил-

лар улушкини қўшганда 100 % натижани берди (1-жадвал ва 1-расмга қаранг).

Интенсив ўсиш омилларининг ЯУОга корреляцион даражасидан келиб чиқиб, уларнинг ўзаро улушкини ҳисобладик (2-жадвал, 1-расмга қаранг).

Ўзбекистонда ЯУО кўрсаткичи ва интенсив иқтисодий ўсиш омиллари кўрсаткичларининг ўзаро корреляция таҳлили(2010-2020)

		Ялпи унумдорлик омиллари		Pearson Correlation		1	
				Sig. (2-tailed)			
Инновациялар		Pearson Correlation			,913**		
		Sig. (2-tailed)			0		
Саломатлик		Pearson Correlation			,899**		
		Sig. (2-tailed)			0		
Инфраструктура		Pearson Correlation			,946**		
		Sig. (2-tailed)			0		
Қонун устуворлиги		Pearson Correlation			,963**		
		Sig. (2-tailed)			0,06		
Муқобил ва арzon энергия манбалари		Pearson Correlation			,723*		
		Sig. (2-tailed)			0,018		
Давлат бошқаруви сифати		Pearson Correlation			,980**		
		Sig. (2-tailed)			0		
Бозор иқтисодиёти учун қулай шароит		Pearson Correlation			,975**		
		Sig. (2-tailed)			0		
маданий ва бошқа омиллар		Pearson Correlation			-,968**		
		Sig. (2-tailed)			0		
Ишчи кучи малакаси		Pearson Correlation			,969**		
		Sig. (2-tailed)			0		
Коррупциянинг назорати		Pearson Correlation			,979**		
		Sig. (2-tailed)			0		

**. Correlation is significant at the 0.01 level (2-tailed).

*. Correlation is significant at the 0.05 level (2-tailed).

Манба: Жаҳон банки ва Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоблари.


Ўзбекистонда саломатлик омиллари нисбатан ижобий ҳолатда. Буни мамлакатда текин тиббиёт хизматлари ва соғлиқни сақлаш тизимининг самарадорлиги билан изоҳлаш мумкин. Маданий омиллар эса, интенсив иқтисодий ўсишга тескари таъсири аниқланди.

Хулоса ва таклифлар. Ўтказилган илмий

изланишлар ва таҳлиллар тадқиқот ишимиз учун қўйидаги хулоса ва таклифларни шакллантиришга сабаб бўлди:

1. Мамлакатда жадал иқтисодий ўсишга таъсири этувчи омилларни тизимлаштириш, таҳлил қилиш асосида корреляцион ва регрессион таъсири даражаси аниқланди;

МАКРОИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ



1-расм. Ўзбекистонда Интенсив ўсиш омилларининг ўзаро улуши

Манба: Жаҳон банки ва Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоблари.

2. Инновацион иқтисодиётга ўтишга халяқит берадиган яна бир омил – бу холис, но давлат институтларнинг ривожланмаганлиги ва республикада илм-фан ва янги технологияларни етарли даражада молиялаштирумаслиkdir.

3. Барқарор иқтисодий ўсиш даражаси ва сифатини оширишда давлат томонидан янада рағбатлантириш, қўллаб қувватлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди, хусусан, корхоналар фойдасининг интенсив ўсиш (корхонанинг модернизацияси, ишчиларнинг малакасини ошириш, ишлаб чиқариш унумдорлиги)га йўналтирилаётган қисмини фойда солигидан озод қилишни таклиф этамиш.

4. Иш унумдорлигининг ошиши иш ўринларининг қисқаришига сабаб бўлиши мумкин. Биз бу рискнинг ечими сифатида иш соатларни қисқартиришни, маданий соҳаларда янги иш ўринлари яратилишини таклиф этамиш. Бу яшаш учун энг қулай шаҳарлар индексида доимий етакчи - Скандинавия давлатлари мисолида ўз исботини топган.

5. Коррупцияни қисқартириш учун рақамили иқтисодиёт имкониятларидан фойдаланган ҳолда муносабатларда юзма-юз кўришишни, контактни узишни ривожлантириш учун сарфланадиган маблағларни ҳажмини жами интенсив инвестицияларга нисбатини 15.24 %гача ошириш ва мақсадли сарфлаш зарур. Аҳоли даромади ва савиясини ошириш, диний томондан ҳам коррупцияни таъқиқланишини (ҳаромлигни) оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб қилишни таклиф этамиш.

6. Конун устуворлигини янада ошириш учун жамоат назоратини кучайтириш ва моддий рағбатлантириш тизимини тақомиллаштириш, хусусан жамоат тартибини, қонунлар бузилаётганлигидан (ўғрилик, пичоқбозлик, гиёҳванд-

лик, қиморбозлик ва ҳоказо) хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабардор қилганлиги (фото, видеофиксация, тел...) учун айбдорлардан ундирилган жариманинг 1% миқдорида рағбатлантиришни таклиф этамиш.

7. Ўзбекистонда муқобил энергия манбалари, жумладан қуёш электро станцияларидан фойдаланишни, ишлаб чиқаришни ошириш мақсадида айни йўналишдаги тадбиркорлик субъектлари учун давлат томонидан рағбатлантиришларни тақомиллаштириш, хусусан даромад солиғидан 50 % чегирма беришни таклиф этамиш.

8. Давлат бошқарув сифатини ошириш тавсия этилади. Бунинг учун бир неча давлат ташкилотларида бир хил функцияларни қисқартириб, ташкилотларда масъульликни ягоналаштириш ҳисобига давлат бошқарув сифатини яхшилаш зарур. Давлат хизматлари агентликларида барча давлат идоралари хизматларини жорий этиш ва коррупцияни қисқартириш мақсадида 100 % рақамлаштириш таклиф этилади.

9. Бундан ташқари фаолият тури яқин бўлган давлат ташкилотларини бирлаштиришни таклиф этамиш (Мисол учун: Миллий гвардия ва Мудофаа вазирлиги марказий аппарати). Бу бюджет маблағларини тежалиши ва давлат бошқарув сифатини ошиши билан изоҳланади.

10. Бозор иқтисодиёти учун қулай шароитни яхшилаш учун рақобатни ривожлантириш, иқтисодиётни либераллаштириш яъни давлатнинг иқтисодиётга (бизнесга) аралашувини қисқартириш тавсия этилади. Давлат улуши бўлган корхоналарни приватизациялаштиришни (хусусийлаштириш) янада ошириш, хусусан Ўзавтосаноат бирлашмасига қарашли барча корхоналарни хусусийлаштириш тавсия этилади. Ижтимоий тармоқлар: транспорт линиялари, коммунал хизматлар бундан мустасно.

11. Мамлакатда инфраструктуранинг интенсив иқтисодий үсишдаги таъсирини инобатга олиб, янги йўллар қуришга ажратилаётган инвестициялар ҳажмини ошириш керак. Хорижий ривожланган давлатлардаги инновацион жамоат транспортларини хусусан ҳаво темир йўлларини Тошкент шаҳрига жорий этишни таклиф этамиз.

12. Аҳоли малакаси интенсив иқтисодий үсишдаги аҳамиятини инобатга олиб, Ўзбекистонда олий таълим муассасаларида талабалар (абитуриенлар) қамровини 100%гача ошириш керак.

13. Инвестицияларни интенсив ва экстенсивга ажратган ҳолда тақсимлашни йўлга қўйишни ва шу билан интенсив инвестициялар нисбатини экстенсив инвестициялар нисбатига кўра босқичма-босқич ошириб боришни таклиф этамиз.

14. Ишчиларнинг корхоналарда кўп йиллар меҳнат қилиш истагини, корхона ривожига дахлдорлик ҳиссини ошириш учун Ўзбекистон

тижорат банкларидағи тажрибадан келиб чиқиб уларга йил охирида 13-ойлик тизимини ва ҳар йиллик иш стажига ойлик окладининг 10% миқдорида йиллик рағбатлантириш таклиф этилади

15. Аксиядорлик жамиятларида хориж тажрибасини инобатга олган ҳолда, ишчиларнинг корхона ривожига дахлдорлик ҳиссини ошириш мақсадида ишлаб турган корхонанинг қимматли қофозлари – аксияларнинг бир қисми ишчи ходимларга имтиёзли, фоизсиз муддатли тўловга сотиш тизимини жорий этишни таклиф этамиз.

16. Иқтисодий үсиш ишчи кучининг малака ва кўнукмасига чамбарчас боғлиқлигини инобатга олиб “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиялари сонини 2 бараварга оширишни ва ушбу кадрлардан унумли фойдаланиш даражасини ошириш мақсадида уларни хориждан қайтганидан сўнг фақат ўз ихтисослиги бўйича мамлакатда ишга жойлаштиришни тавсия этамиз.

17. Ушбу таклифларни келгуси давлат дастурларида инобатга олишни тавсия этамиз.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрьдаги “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” №841 сонли қарори, <https://lex.uz/docs/4013356>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириши бўйича Харакатлар стратегияси тұргисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.
3. Качество роста [Текст]: монография / В.Томас, М.Дайлами, А.Дхарешвар и др.: Пер. с англ. СальниковА. - М.: ВесьМир, 2001. С. 29.
4. *Bing Zhou, Xiaoyan Zeng, Lu Jiang, Bing Xue*. High-quality Economic Growth under the Influence of Technological Innovation Preference in China: A Numerical Simulation from the Government Financial Perspective. *Structural Change and Economic Dynamics*. Volume 54, September 2020, Pages 163-172 <https://doi.org/10.1016/j.strueco.2020.04.010>
5. Mary Amponsaha, Frank W.Agbolaa, AmirMahmoodb, The impact of informality on inclusive growth in Sub-Saharan Africa: Does financial inclusion matter?, Received 8 October 2020, Revised 28 February 2021, Accepted 15 March 2021, Available online 19 May 2021. <https://doi.org/10.1016/j.jpolmod.2021.03.009>
6. Khamdamov Sh. Analysis of the history of economic growth and its prospects/ Миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг муаммолари ва истиқболлари: тенденциялар, үсиш заҳиралари ва стратегиялари иммий мақолалар тўплами. ТДИУ хузуридан ИТМ. Тошкент, 2019.
7. Хамдамов Ш.Р. Барқарор ривожланиш ва иқтисодий үсиш бўйича янги услубий-амалий тавсиялар. Услубий тавсиянома. ТДИУ хузуридан Иммий тадқиқот маркази № 2021/01/2-1 Тошкент-2021
8. Khamdamov Sh. Analysis of International Indicators of Innovative Development and Inclusive Growth in the Republic of Uzbekistan/19th RSEP International Economics, Finance & Business Conference Proceedings Full papers. Pg.282-288. 2020 Prague, Czechia
9. Khamdamov Sh. Analysis of the state of the green economy in Uzbekistan/ “Innovation in economics”. Toshkent-2020. Pg 107-114
10. Khamdamov Sh. Indicators and Conditions for Sustainable Development. 13th RSEP International Conference on Business, Economics & Finance, Istanbul, Turkey, 2019.
11. Жаҳон банки маълумотлари. <https://data.worldbank.org/>
12. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг маълумотлари. <https://stat.uz/uz/>

ДАВЛАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ-ИҚТІСОДИЙ ФАОЛИЯТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ СТРАТЕГИЯЛАРИ

Чориев Фазлиддин Ишқувватович -
ТДИУ “Макроиқтисодий таҳлил ва
прогнозлаштириш” кафедраси катта-ўқитувчи

Аннотация. Ушбу мақол давлат корхоналар ва уларнинг асосий фаолиятини ўрганиш, уларнинг иқтисодиётда тутмаган ўрни ва аҳамияти, ташкил этишдаги мулкчилик моделллари ҳамда молиявий фаолияти самародорлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни ўрганиш ҳамда иқтисодий фаолиятини тақомиллаштиришга қаратилган стратегиялар бўйича амалий тавсиялар ва таклифлар беришдан иборат.

Калим сўзлари: давлат корхонаси, очиқлик, шаффоффлик, молиявий фаолият самараదорлик кўрсаткичлари, молиявий барқарорлик.